

«MA'QULLANGAN»

O'zbekiston Respublikasi Sog'lioni saqlash vazirligi huzuridagi
Farmatsiyika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori
vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va
standartlashtirish davlat markazsi» DUK

«14» 02 2019 y. № 3

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ПРОКТОСЕДИЛ® М
PROCTOSEDYL M

Препаратнинг савдо номи: Проктоседил® М

Дори шакли: ректал капсулалар.

Таркиби:

Бир капсула қўйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

фрамицетин сульфати* 5,00 мг;

гидрокортизон ацетат 2,79 мг;

эскулозид 5,00 мг;

бензокайн (этиламинобензоат) 5,00 мг;

бутамбен (бутиламинобензоат) 5,00 мг;

*- фаоллиги 670 мкг/мг

ёрдамчи моддалар: ланолин, оқ юмшоқ парафин, суюқ парафин**

**-фрамицетин сульфатнинг микдорига асосланган ҳолда суюқ парафиннинг микдори ўзгарувчан бўлади.

Капсула қобигининг таркиби: желатин, глицерол (глицерин), метилпарагидроксибензоат (метилпарабен), пропилпарагидроксибензоат (пропилпарабен), титан диоксиди (E171), тозаланган сув.

Таърифи: сарғиш-оқ рангли ёғли модда сақловчи ноксимон шаклдаги оч-сариқ рангли юмшоқ желатин капсулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: колопрекологияда қўлланадиган восита (геморройни даволаш учун).

Код ATX: C05AX03.

Фармакологик хусусиятлари

Геморройни даволаш учун мўлжалланган мажмуавий препаратdir.

Гидрокортизон-глюкокортикоид, яллиғланишга қарши восита ҳисобланади. Қизариш, шиш, оғриқ каби яллиғланишнинг турли белгилари ва симптомларини бартараф этади.

Фрамицин сульфат – маҳаллий қўллаш учун кенг таъсир доирасига эга антибиотикdir. Бир қатор граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан бактерицид фаолликка эга.

Эскулозид кимёвий тузилиши бўйича Р витаминига ўхшаш, капиллярларнинг юқори мўртлигини камайтиради.

Этиламинобензоат ва бутиламинобензоат маҳаллий оғриқ қолдирувчи ва кичишишга қарши таъсирга эга, анал сфинктерининг спазмларини камайтиради.

Препаратнинг самараси қўлланганидан сўнг бир неча минутдан кейин намоён бўлади.

Қўлланилиши

Ички геморрой.

Қўллаш усули ва дозалари

Проктоседил М эрталаб ва кечкурун, шунингдек, ҳар бир дефекациядан кейин буюрилади.

Ректал капсулаларни имкон борича тўғри ичакка чуқурроқ киритилиши керак. Ахвол яхшиланганидан сўнг ректал капсулалар сонини бир кунда бир мартагача қисқартириш мумкин.

Проктоседил М ректал капсулаларини Проктоседил суртмаси билан бирга қўллаш мумкин. Препарат қисқа муддат (кўпи билан 7 кун) давомида қўлланилади.

Ножўя таъсиrlари

- Тўғри ичак соҳасида дискомфорт ҳисси.
- Тўғри ичак соҳасида ачишиш, тўғри ичак шиллиқ қаватини қуриши.
- Иккиласмчи инфекцияни қўшилиши.
- Аллергик реакциялар.
- Проктоседил М катта дозаларда ва/ёки узок ваqt давомида қўлланганда гидрокортизон билан боғлиқ тизимли ножўя таъсиrlар юзага келиши хавфи ошади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

Аноректал соҳасини туберкулёз, вирус, замбуруғ инфекциялари билан заарланиши. Ҳомиладорлик ва эмизиш даври.

Эмизикли даврда қўллаш мумкин эмас.

Препаратни артериал гипертензияда, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Махсус кўрсатмалар

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Чиқарилиш шакли

Ректал капсулалар.

20 капсуладан бураладиган қопқоқли тўқ шиша флаконда.

1 флакондан тибиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида жойланган.

Сақлаш шароити

8°C дан 25°C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Санофи Индия Лимитед, Ҳиндистон

Sanofi House ,CTS No- 117 –B,L&T Business Park,Saki Vihar Road,Powai, Mumbai- 400072

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситасининг сифатига тегишли шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи

«Санофи-Авентис Групп» компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси
Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 24,

Тел.: (998 71) 281 46 28/29

Факс: (998 71) 281 44 81

www.sanofi.uz